Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 28 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (10.639)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг йиғилишида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, дастурда белгиланган муайян ишлар ҳозиргача бажарилган. Жумладан, жорий йилда 566 нафар ёрдамга муҳтож кексаларга моддий кўмак берилган, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 250 та кўп болали ва кам таъминланган оилаларга йирик шохли қорамол, беморларга эса 6 миллион сўм микдорида дори-дармонлар ажратилган.

● Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, республика Бош прокуратураси ҳамда ЮНИСЕФ жамғармаси билан ҳамкорликда «Етим ва қаровсиз болалар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши» мавзуида семинар-тренинг ташкил этди.

● «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти спорт жиҳозлари сотиб олиш учун Янгиер шаҳридаги 6-мактабга 10 миллион сўм маблағ ажратди.

● Тошкент шаҳрида ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида келгусида ўрмонларни кенгайтириш масалаларига бағишланган халқаро конференция давом этмоқда.

● Қорақалпоғистон чорвадорлари қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунладилар. Қораўзак туманидаги «Қорақалпоғистоннинг 40 йиллиги» ширкат хўжалигида бу йил 731 дона сифатли қоракўл тери тайёрланди, отарларни тўлдириш учун 4 минг бошдан ортиқ қўзи ўстиришга қолдирилди.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш: Россия бозорининг истиқболлари» 1-профессионал халқаро конференция ва кўргазмада иштирок этди.

● «Экосан» халқаро хайрия ташкилотида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, эколог олимлар, шунингдек Чернобилда рўй берган фожеа оқибатларини тугатишда қатнашган ҳамюртларимиз иштирокида «Чернобиль сабоқлари ва минтақавий радиацион хавфсизлик муаммолари» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

● Ўртачирчиқ туманидаги 41-ўрта умумтаълим мактабида Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ўртасида ўтказилган танловнинг вилоятлар босқичлари ғолиблари ўзаро куч синашди.

● Тошкент вилоятининг Қибрай туманида озиқ- овқат саноатига тааллуқли янги корхона ўз фаолиятини бошлади—Ўзбекистон—Украина —Буюк Британиянинг «Vozit Inter Foods» қўшма корхонаси сутни қайта ишловчи цех очди. Бу ерда замонавий асбоб-ускуналар орқали сут сарёғга айлантирилади. Ҳозирча қўшма корхона бир сменада 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

ЖАҲОНДА

● Непалда исёнчилар уч ой муддатга ўт очишни ва мамлакат пойтахти Катманду ҳамда йирик шаҳарларни қамал қилишни тўхтатишларини маълум қилишди. Айтиш керакки, исёнчилар мухолифатчиларнинг сўровига мувофиқ шундай йўл тутишган. Зеро, мухолифатчилар шаҳарларни қамал қилишдан биринчи навбатда оддий аҳоли жабр кўраётганини айтишмоқда.

● Миср маъмурлари Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканалининг Коҳирадаги бюроси раҳбари Ҳусайн Абдул Ғанини ҳибсга олдилар. «Ал-Жазира» телеканалининг маълумотларига кўра, уни Даҳаб курорт шаҳарчасида рўй берган воқеалар хусусида ёлғон маълумотларни тарқатишда айбламоқдалар.

● Ироқда жойлашган Италия ҳарбий контингенти базасида рўй берган портлаш оқибатида тўрт нафар ҳарбий ҳалок бўлди.

● Европа комиссияси Европада қабул қилинган хавфсизлик стандартлари талабларига жавоб бермайдиган авиакомпанияларнинг рўйхатини эълон қилди. Унга кўра 90 дан ортиқ авиакомпаниялар (уларнинг кўпчилик қисми Африка қитъасига тегишли) Европа Иттифоқи ҳудудида йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

● Жорий йилнинг охирига бориб Ироқ ўз нефти экспорти ҳажмини кунига 1,8 миллион баррелга етказишни режалаштирмоқда. Шу муносабат билан янги нефть конларини ўзлаштириш ва эскиларини қайта тиклаш, шунингдек, нефть инфратузилмасини, жумладан насос станцияларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

● Москванинг Шереметьево аэропорти божхонасида «Евросеть» орқали келган ва текширув чоғида инсон саломатлиги ва Россия тармоқлари учун зарарли деб топилган 20 миллион долларлик «Моторола» уяли телефонлари йўқ қилинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 29 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кунниг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 16-18, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда хусусийлаштириш шакл ва услубларини такомиллаштириш, корхоналарни тўлиқ ва акцияларнинг давлат пакетларини хусусий мулкка сотиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг амалдаги барча соҳаларида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратди.

Давлат активлари ва акциялар пакетларини нолга тенг қиймат бўйича сотиш кейинги йилларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш амалга оширилди.

Шу билан бирга, Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини жиддий яхшилаш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари асосий эътиборни майда, иккинчи даражали масалаларга қаратиб, хусусийлаштиришнинг муҳим стратегик йўналишлари бўйича тегишли даражада ташаббускорлик кўрсатмаяпти, фонд бозорини кенгайтириш ва қимматли қоғозлар бозори, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришни фаоллаштириш бўйича зарур чоралар кўрмаяпти.

Бозорда монопол мавқега эга бўлган, катта инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқимига, замонавий технологияларнинг жорий этилишига эҳтиёж сезаётган йирик компанияларни хусусийлаштириш бўйича ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Кўплаб холдинг ва акционерлик компанияларнинг низом жамғармаларида акцияларнинг давлат пакетлари улуши асоссиз равишда юқорилигича сақланиб қолмоқда.

Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг хусусийлаштирилган корхоналарда давлат активларини самарали бошқариш бўйича фаолияти қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермайди. Давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчиларининг ишлари юзаки ташкил қилинган бўлиб, амалда «директорлар корпуси» акционерлик жамиятларини бошқариш тизгинини ўз қўлларида ушлаб турибди. Малакавий талаблар ва кузатув кенгашлари ишларини баҳолашни тартибга солувчи меъёрий базанинг йўқлиги акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини фаол ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Тизим ходимларини аттестация қилиш натижалари мутахассислар, айниқса, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг малакаси пастлигини кўрсатди. Бу қўмита олдига қўйилган вазифа ва функциялар қониқарсиз бажарилишининг асосий сабабларидан биридир.

Хусусийлаштириш жараёнларини янада фаоллаштириш, давлат мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Давлат мулки қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раҳбариятининг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича иши қониқарсиз, деб топилсин.


Давлат мулки қўмитаси органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни таъминлашга доир тадбирлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТИМИЗДА МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ВА «МУРУВВАТ» УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИ НОГИРОН БОЛАЛАРНИНГ МАХСУС ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ДОИРАСИДА ФУТБОЛ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар





СПОРТ, МЕҲР ВА БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ



У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар ва Миллий олимпия қўмиталари, «Соғлом авлод учун», «Sen yolg'iz emassan» жамғармалари каби ташкилотлар кўмагида ўтказилмоқда.

Тадбирнинг очилишида юртимизда аҳолини спортга оммавий жалб этиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, ҳамюртларимиз қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилган. Шунингдек, ногирон болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш, махсус интернатларда таълим олаётган, мурувват уйларида яшаётган ногирон болаларнинг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Пойтахтимизда бошланган мазкур мусобақа ҳам ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Футбол бўйича мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари - 220 нафар бола икки кун давомида ўзаро куч синашади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири
Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлиги ташаббуси билан тумандан муддатли ҳарбий хизматга сафарбар этилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида «Оилада фарзанд тарбияси — маънавият мезони» мавзуида уюштириладиган давра суҳбати Оила кунига бағишланади.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Ҳастимом» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган «Биз ўз кучимизга, имкониятларимизга ишонамиз» мавзуидаги давра суҳбати Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи ҳамкорликларида уюштирилди.

●**ШАҲРИМИЗДА** файласуф олимлар иштирокида ўтказилган тадбир профессор Омонулла Файзуллаевнинг фаолиятига бағишланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан шаҳримизнинг энг фаол ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбатида фуқароларнинг ҳарбий бурчи, ёшларда ватанпарварлик хислатларини янада шакллантириш чоралари ҳақида сўз борди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциациясида солиқ идоралари, банклар вакиллари иштирокида молиявий ташкилотларни солиққа тортиш тизими ва бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

●**«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида «Амир Темур ва ҳозирги замон» мавзуида уюштирилган анжуманда Тошкент Давлат техника университети талабалари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ногиронлар жамияти томонидан ўтган йилдан то шу кунгача бажарилган ишлар сарҳисоби ва келгуси режалар муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбир доирасида жамият қошида фаолият юритаётган корхоналар маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

● **БАДИИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида Беҳзод номидаги Дизайн ва рассомлик санъати институти талабалари томонидан яратилган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ МУҲОКАМАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА 27 АПРЕЛЬ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА (ШҲТ) АЪЗО МАМЛАКАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари Мэн Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШҲТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари нафақат ўзаро сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, балки ташкилот доирасида ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратадилар. Зеро, маданий алоқалар халқлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи энг асосий омиллардандир. Ҳамкорликда ташкил этиладиган турли кўргазмалар, фестивалллар, анжуман ва симпозиумлар мазкур халқаро ташкилот муҳитида яшовчи халқларнинг бир-бирини яқинроқ таниши учун яхши имконият яратади. Бунинг натижасида давлатлараро муносабатларнинг пойдевори янада мустаҳкамланади.

Маълумки, ШҲТ доирасида мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг, ташқи ишлар ва мудофаа маҳкамалари раҳбарларининг, иқтисодиёт, савдо-саноат ва молия вазирларининг, маданият вазирларининг кенгашлари фаолият юритади.

Маданият вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган бу галги мажлисида ШҲТ доирасида маданий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Иштирокчилар бу йўналишдаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун имкониятлар кўплигини, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг бой маданияти ва ранг-баранг санъатининг ўзаро тарғиботи биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиришни тақозо этаётганини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари ШҲТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режанинг ижроси ҳамда жорий йил июнда Хитойда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўришнинг боришига оид масалаларни муҳокама қилдилар. ШҲТ доирасидаги маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, аъзо давлатлар ўзаро маданият кунларини ўтказиши, ШҲТ доирасидаги халқаро фестивалларда фаол қатнашиши анъанага айланиб бормоқда.

Жумладан, 2005 йил августда Самарқанд шаҳрида ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига ШҲТга аъзо барча мамлакатлардан вакиллар келиб, ўз миллий санъатини намойиш этди.

Мажлис қатнашчилари мўйқалам соҳиблари, миллий рақс ва мусиқа усталари, театр жамоалари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш ва рағбатлантириш, маданий алоқаларни ривожлантиришда сайёҳлик соҳаси имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини ҳам кўриб чиқдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича комплекси (Р.Азимов) тасдиқланган тадбирларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Қайд этилган тадбирлар ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига мунтазам маълумот берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда давлат мулки улушига эга хўжалик юритиш жамиятларидаги кузатув кенгашлари фаолияти, улар томонидан 2005 йилги бизнес-режаларнинг бажарилишини, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланган 2006 йилги бизнес-режалар мавжудлигини атрофлича таҳлил қилсин.

Бизнес-режаларнинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаган ёки жорий йил учун самарали бизнес-режалар мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу хўжалик юритиш жамиятларидаги ишончли давлат вакиллари ёки компаниялар бошқарувчиларини алмаштиришни, ижрочи директорларни белгиланган тартибда лавозимидан озод этишни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Вазирлар Маҳкамасида ҳар йили тасдиқланадиган жадвал асосида Кузатув кенгашлари раислари ва давлат активларига эга йирик компаниялар раҳбарларининг компанияларнинг аҳволи ва уларни ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам тинглашни таъминласин ва натижаларга кўра уларнинг ишларини баҳолаисн, жавобгарликнинг маъмурий чораларини қўлласин ва давлат органларининг Кузатув кенгашидаги аъзолари ҳамда компаниялар раҳбарларини эгаллаб турган лавозимидан озод этсин.

б) бир ой муддатда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилсин: давлат активларини хусусий мулкка сотишни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаш; олди-сотди шартномалари ва янги мулкдорнинг, жумладан, инвестиция мажбуриятлари, корхонанинг хусусийлаштиришдан кейинги барқарор фаолият юритиши, объектни харид қилиш пайтида тақдим этилган бизнес-режа кўрсаткичларини бажариши бўйича ўз зиммасига олган масъулиятини белгиловчи томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳақидаги шартномалар моддаларининг аниқ мазмун-моҳиятга эгалиги;

объектлар ва корхоналарни улар жойлашган ер майдонлари билан бирга хусусийлаштириш; акцияларни янги мулкдорга фақат у қийматини тўлиқ тўлаганидан ва инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг мулк қилиб бериш.

4. Қуйидагилар тасдиқлансин: 2 ва 3-иловаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати таркиби бошқарув ходимлари сони 125 бирликдан ошмаган ҳолда; 4, 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тузилмаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси; 6-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича маркази бошқарув ходимлари сони 93 бирликдан ошмаган ҳолда, шу жумладан марказий аппарат ходимлари тузилмаси 25 бирликдан ошмаган ҳолда;

7-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси тўғрисидаги Низом.

Белгилансинки, Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига бўйсунади ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳисобот беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

«Давинком» давлат инвестиция фирмасини тугатиш ва унинг функцияларини Давлат мулки қўмитаси марказий аппаратининг биржа ва биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотиш билан шуғулланувчи бўлинмаларига ва унинг ҳудудий бошқармаларига бериш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-текшириш институтини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш марказига айлантириш;

«Мулкдор» газетасини «Биржа» газетасига айлантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси: бир ой муддатда қўмитанинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифаларини, хусусийлаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ўз вақтида амалга ошириш, давлат мулки бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, инвесторлар зиммасидаги инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун шахсий масъулиятини аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратсин; ҳайъатнинг ойлик йиғилишларида алоҳида ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлимлари раҳбарларининг юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлар самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб боришни амалиётга жорий этсин, бунда уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари, шу жумладан эгаллаб турган вазифасидан озод этишгача бўлган чораларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 июндаги 303-сонли «Давинком» инвестиция фирмасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва 2003 йил 24 июлдаги 325-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тақдим этсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 апрель

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Мард бўлсанг, ўз сўзингни қилма кўп беэътибор

ОРАЗИЙ

Сўзлаш йўли нотекис ва хавфли бўлиб, кўп хатарларга эга ва ўйламай, фикр қилмай лабни ҳеч бир сўзни изҳор қилишга очмаслик керакки, ўйламай айтилган сўз кўп бошларни фано чавгонининг гўйига айлантирган, жон хазинасини заволлик ва нуқсон қиморига ютқазган.

Сўзлашда бир неча қоида бўлиб, уларнинг ҳар бирига риоя қилмоқ лозим. Биринчиси шуки, бесабаб ва бемавридлик калити билан такаллум қулфини очмаслик лозимки, сўз гавҳари тўғри ва аниқ бўлса-да бевақт ва бемаҳал айтилса, идрок бозорининг гавҳаршуносларига ва қоида билувчилари назарида эътибордан четда қолади ва ҳеч ким уни эшитишга рағбат қилмайди.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Инсоф ила сўзга қил наззора,
Фарқ айла дур ила сангий хора.

Шавқий КАТТАҚЎРҒОНИЙ

Кимки ямон сўзни дер, инсон эмас,
Сўзки ямондир, они ҳайвон демас.

НИШОТИЙ

Тил борки, бол келтиради, тил борки, бало келтиради.

Тил тезлигидан қадам тезлиги яхши.

Сўзловчи киши бадхулқ бўлса-да, баъзан унинг сўзларига диққат қил, гоҳо ёмон оғиздан ҳам яхши сўз чиқиб қолади.

Сўзнинг айтувчисига қарама, айтган сўзига қара.

Сўзига боқма, кўзига боқ, ўзига боқма, сўзига боқ.

Икки нарса фойдасиз: ҳикматсиз сўз ва тафаккурсиз сукут.

«ОТАЛАР сўзи»

Сўз лаззатини одами нодон билмас,
Нечунки асал лаззатини ҳайвон билмас.

ТОЛИБИЙ

Баъзи сўз қиличдан ўткир бўлади.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан нажот.

НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Дўстлардан бири доимо мен билан ҳамдаму улфат эди. Унга: «Киши қанчалик оқил бўлиб, садаф оғиздан гавҳар сочса-да, унинг душманлари мингта яхшилиги ичидан битта ёмонлигини топадилар!» — дедим. У эса: «Душман дўстлар гулистонининг анжуманидан гул ўрнига тикан тергани яхшироқ», — деб жавоб берди. Шеър:

Донаву дур сўзин афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил,
Жон бўлуб ул, руҳ анинг қолиби,
Ким танида руҳ анинг толиби.
Барча кўнгул дуржи аро гавҳар ул,
Барча оғиз хуққасида гавҳар ул.

НАВОИЙ

Огоҳлик ва шуур неъматининг лаззатшуносларидан ушбу сўз қолганки, нутқ ва баён, хаёл ва табиат денгизи гавҳарининг ғаввоси бўлиб, ҳар бир соҳиби ҳунар ҳамда беҳунарнинг ҳоли у билан тадқиқ қилинади. Оқил кишилар ақлни амирга, фаросатни вазирга ва нутқни сипоҳга ўхшатадилар. Чунки ҳар нимаики ақл хотирасига келса фаросат уни тасдиқ қилади. Нутқ эса уни ижро қилишга киришади. Агар сўздек хабарчи бўлмаганда, дилхаста ошиқларнинг юрагидаги розини маъшуқ қулоғига нима етказган бўларди?! Назм:

Мақсад варағига сўз шерозадир,
Ундан ҳоллар маълум ва овозадир,
Сўз агар бўлмаса бизга ҳамоғуш,
Ақл тили доим бўларди хомуш!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Билгали сўз хотири доно керак,
Кўргали йўл дидаи бино керак.

Саид ҚОСИМИЙ

Сўздин экан руҳи равон ҳам санга,
Жону тану тобу тавоне ҳам санга.

НИШОТИЙ

Бир ҳакимнинг бирда шундай деганини эшитгандим: «Оғиз ичидаги тил қин ичига яширилган қиличдир». Шеър:

Тил тиғини ўткир айлама асло,
Ўз бошингни кесиб бўлмасин бало.
Ўлдирмоққа қачон ханжар қилинди,
Тил шаклида унинг шакли тилинди.

Ибн КАМОЛПОШШО

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,
Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ.
Сўздур анга мужиби каромат бўлмоқ,
Тил забтидадур анга саломат бўлмоқ.

НАВОИЙ

Қўлингдан келмаган нарсани тилингга келтирма.

Тил тинч бўлса, бош саломат бўлади.

Ҳар ким ўз оғзининг қоровули бўлса нафаси ҳеч қачон бўғилмайди.

Нобуд бўлмасин деб тилидан инсон,
Оғиз бўлди инсон тилига зиндон.

«ОТАЛАР сўзи»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

Фармон ва ижро

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТГАН ДЕЯРЛИ БИР ЙИЛ ИЧИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ҲИСОБЛАНГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЯНАДА РИВОЖ ТОПИШИДА ЯНГИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗ ЯРАТИЛДИ ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ текширишларни ташкил этиш, уларни ўтказиш ва якунларини кўриб чиқиш бўйича бир қатор янгиликлар жорий этилди. Энг муҳими — хўжалик субъектлари, хусусан кичик бизнес тузилмалари барқарор фаолият юритишида қайсидир маънода тўсиқ бўлаётган текширувлар анча қисқарди.

Бу борада «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг тўртинчи бандида назорат органларига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига қатъиян риоя этган равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат берилиши кўрсатиб ўтилган. Ҳозирда назорат органлари томонидан режадан ташқари текширувларга юқорида айтилган Фармон талабларидан келиб чиқиб, муайян ходимлар томонидан чуқур таҳлил қилингандан сўнг ҳудудий комиссияга буюртма берилиши жорий этилгани илгариги текширувларга нисбатан аввалambor мутахассисларнинг ҳам масъулиятини янада оширди.

Айтиб ўтиш лозимки, режадан ташқари текширув икки турдан иборат бўлиши мумкин. Булар корхонанинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказиладиган режадан ташқари текшириш ҳамда бир иш куни давомида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ бўлмаган қисқа муддатли текширишдир.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси ҳузурида «Ишонч телефон»лари татбиқ этилгани ҳам ўзига хос самара бермоқда. Тўғри, назорат ва текширишлар тизимидаги ҳар бир қонунбузарликларнинг олдини олишда «Ишонч телефони» тузилмаси асосий рол ўйнамаса ҳам, аммо, яна бир таъкидлаб ўтмоқ лозим, унинг ўрни сезиларлидир.

1999 йилдан буён беминнат хизмат қилиб келаётган «Ишонч телефони» тузилмаси Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ҳузурида текширилади ган хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини қабул қилиш гуруҳи тузиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. Дарҳақиқат, мазкур қарорда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузиб, текшириш ўтказишга ҳаракат қилинаётган хўжалик юритувчи субъектлар билан алоқанинг шундай механизмини тузиш ва уни қувватлаш тўғрисида бевосита кўрсатма мавжуд. Ҳозирда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлими ҳузурида 133-15-92, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73 рақамли «Ишонч телефон»лари ишлаб турибди.

Тошкент шаҳридаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, бевосита корхона раҳбарлари бу телефонлар орқали турли масалалар бўйича мурожаат этишади ва ҳар бир аниқ вазият тезкорлик билан жойига чиқиб ўрганилади.

Ўтган 2005 йил давомида корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, хусусий тадбиркорлардан ҳамда фуқаролардан 100 дан зиёд ариза ва шикоятлар қабул қилинган бўлса, ҳар бири юзасидан жойларда ўрганишлар ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Ишонч телефони»га бўлган аксарият қўнғироқлар турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишлар қонунийлиги, уларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби» тўғрисидаги Низом талабларига мослиги билан боғлиқдир. Лекин шикоят ва аризалар ичида текширишлар билан боғлиқ бўлмаганлари ҳам мавжуд.

Хусусан, мурожаатларнинг фақат 60 фоиздан кўпи корхоналарда ўтказилаётган ёки тўғридан текширишларнинг қонунийлигини аниқлаш тўғрисида бўлган. Қолганларида кутилаётган текширувларнинг қачон ва қайси назорат органлари иштирокида ўтиши сўралган.

Жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида эса «Ишонч телефони»га тадбиркорлик фаолиятига оид қоида ва қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида ҳам мурожаатлар бўлди ва уларни тезкорлик билан ҳал этишга ҳаракат қилинаётир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юридик ва жисмоний мақомга эга тадбиркорларимизга, шунингдек фуқароларимизга яна бир бор жойларда юзага келиши мумкин бўлган қоидабузарлик ҳолатлари юзасидан қайд этилган рақамлар бўйича «ишонч телефони» хизматидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ эканлигини эслатиб ўтамиз.

Салоҳиддин МАҲМУДОВ,
Тошкент шаҳар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссияси котиби,
ДСИ бўлим бошлиғи.
Шоҳамид ҚОРАБОЕВ,
шаҳар ҳудудий комиссияси қошидаги «Ишонч телефони» масъул ходими, ДСИнинг бош солиқ инспектори

ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА

Ҳар йили эрта баҳор оиламиз билан лола сайлига — далага чиқамиз. Бу йил ҳам шу анъанани унутмадик. Дам олиш куни эрта тонг туриб Хумсонга жўнадик.

Табиат шайдолари баҳорни бекорга ҳам фасллар келинчаги деб айтишмайди. Чиндан ҳам ер кўк кўм-кўк. Қарасанг кўзинг қамашади. Узоқ-узоқлардан кўзга ташланаётган қир-далалар яшиллик оламига бурканган. Улардан сал нарирокдаги сервиқор тоғларгина гўё қиш уйқусидан энди уйғонаётгандек устига оқ-қора «либос» кийиб олишган.

Газалкентдан ўтганимиздан кейин бироз юрилгач, ўнг томонимизда кенг сайҳонлик кўзга ташланди.

— Мана шу ерда дам оламиз, — дейишди болалар. — Ҳов ана юқорида очилган лолалар ҳам кўриниб турибди.

Машинани кўча четига тўхтатиб юкларимизни пастга туширдик. Бир чеккага шолча ёзиб устидан кўрпачалар тўшадик. Ўзимиздан бироз нарига қўлбола ўчоқ ясаб, қозон осдик.

— Олдин нонушта қилиб олайлик. Кейин тушликка тайёргарлик кўрамиз, — деди аёлим ўчоққа ўт қалаётганимизни кўриб.

Нонуштадан сўнг набиралар ҳар томонга тарқалиб кетишди. Биз катталар ҳам уларнинг орқасидан юрдик. Алла-паллада сайрдан қайтдик. Анча-мунча лола тердик. Баҳор ҳавоси беқарор. Ҳали тушлик қилишга улгурмай туриб шаррос ёмғир қуйиб юборди. Дарҳол кўч-кўронимизни машина юкхонасига жойлаб ўзимиз кабинадан ўрин олдик.

— Ҳозир ўтиб кетади, — дейман осмонда сузиб юрган паға-паға булутларга қараб. — Кейин тушлик қиламиз.

Йўқ, ўтиб кетмади. Ёмғир тобора кучайгандан кучая боргач, машинада чала-чулпа тамадди қилиб йўлга тушдик. Газалкентга яқин келганимизда машинамиз таққа тўхтади. У ёқ, бу ёғини қараб кўрдик. Бўлмади, бошимиз қотиб туриб қолдик. Бировдан ёрдам сўрайлик десак кабинадан тушишнинг иложи йўқ. Шу топда ёмғир селга айланган эди. Бунинг устига қош қорайиб, атрофга қоронғулик туша бошлади. Биздан сал наридаги дўкондан чиққан йигит шу томон юра бошлади.

— Нима бўлди акахон, — сўради мендан кабинага бош суқиб.

Бор гапни мендан эшитгач: — Энди кеч бўлиб қолди. Бу аҳволда шаҳарга етиб ололмайсизлар. Бунақа шарросда машинангизни ҳеч ким шатакка олмайди. Яхшиси машинани мана бу дўкон олдида қолдирайлик. Қоровулга тайинлайман, қараб туради. Бизникида тунаб қолинглар. Эрталаб ёмғир тинса, бир эпақа қилармиз. Бўлмаса ёш болалар билан қийналиб қоласизлар,—дея жавоб қайтарди.

Олдинига раҳмат айтдик. Кўнмади. Кейин ўйлаб кўрсак бундан ўзга чорамиз ҳам йўқ экан. Раҳматжонларникида (йигитнинг оти шундай экан) бир кеча меҳмон бўлиб эрталаб йўлга чиқдик. Раҳматжон қаердандир уста топиб келиб машинамизни юргизиб берди. Хизмат ва уй ҳақи деб унга пул узатсак олмади.

— Шу ерда Раҳматжон деган укам бор деб ўтган-кетганингизда йўқлаб ўтсангиз шунинг ўзи кифоя ака, — деди у биз билан хайрлаша туриб.

— Дунёда яхшилар кўп отаси, — деди аёлим йўлда Раҳматжоннинг илтифотига қойил қолиб.

— Ҳа, — дейман мен, — дунёда яхшилар кўп.

БАҚАТЕРАК КИМГА КЕРАК?

Бу ҳазиломуз сарлавҳамизни ўқиганлар ҳайрон бўлишмасин, гап бу ерда тераknинг керак ёки ноэкилган бақа тераклардан сокин шамолда кўча бўйлаб учиб юрган укпарлар бизни ҳам ўз қуршовига олди. Машина ойналарини беркитиб улгургунимизча улардан бир қанчаси кабинага ёпирилиб кирди. Ҳамроҳларимиздан кимдир акса урди, қайсидир бири бетига ёпишган укпарлардан халос бўлиш учун қўли билан уларни ҳайдаб, баттар тўзғитди. Анча вақтгача шу тахлит йўл босдик. Бақатераклардан холи жойга ўтгач, ҳайдовчимиз, бир четда машинани тўхтатди.

—Уларни чиқариб юбормасак йўл бўйи сизларни безовта қилади, — деди у.

Шунда биз ҳам ўйланиб қолдик. Чиндан ҳам тераклар керак. Бироқ бақатерақларчи? Улар ҳам барча тераклар сингари керакмикан?

ОҚИБАТ КЎТАРИЛМАСИН

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Машинани кўча четига тўхтатиб юкларимизни пастга туширдик. Бир чеккага шолча ёзиб устидан кўрпачалар тўшадик. Ўзимиздан бироз нарига қўлбола ўчоқ ясаб, қозон осдик.

— Олдин нонушта қилиб олайлик. Кейин тушликка тайёргарлик кўрамиз, — деди аёлим ўчоққа ўт қалаётганимизни кўриб.

Нонуштадан сўнг набиралар ҳар томонга тарқалиб кетишди. Биз катталар ҳам уларнинг орқасидан юрдик. Алла-паллада сайрдан қайтдик. Анча-мунча лола тердик. Баҳор ҳавоси беқарор. Ҳали тушлик қилишга улгурмай туриб шаррос ёмғир қуйиб юборди. Дарҳол кўч-кўронимизни машина юкхонасига жойлаб ўзимиз кабинадан ўрин олдик.

— Ҳозир ўтиб кетади, — дейман осмонда сузиб юрган паға-паға булутларга қараб. — Кейин тушлик қиламиз.

Йўқ, ўтиб кетмади. Ёмғир тобора кучайгандан кучая боргач, машинада чала-чулпа тамадди қилиб йўлга тушдик. Газалкентга яқин келганимизда машинамиз таққа тўхтади. У ёқ, бу ёғини қараб кўрдик. Бўлмади, бошимиз қотиб туриб қолдик. Бировдан ёрдам сўрайлик десак кабинадан тушишнинг иложи йўқ. Шу топда ёмғир селга айланган эди. Бунинг устига қош қорайиб, атрофга қоронғулик туша бошлади. Биздан сал наридаги дўкондан чиққан йигит шу томон юра бошлади.

— Нима бўлди акахон, — сўради мендан кабинага бош суқиб.

Бор гапни мендан эшитгач: — Энди кеч бўлиб қолди. Бу аҳволда шаҳарга етиб ололмайсизлар. Бунақа шарросда машинангизни ҳеч ким шатакка олмайди. Яхшиси машинани мана бу дўкон олдида қолдирайлик. Қоровулга тайинлайман, қараб туради. Бизникида тунаб қолинглар. Эрталаб ёмғир тинса, бир эпақа қилармиз. Бўлмаса ёш болалар билан қийналиб қоласизлар,—дея жавоб қайтарди.

Олдинига раҳмат айтдик. Кўнмади. Кейин ўйлаб кўрсак бундан ўзга чорамиз ҳам йўқ экан. Раҳматжонларникида (йигитнинг оти шундай экан) бир кеча меҳмон бўлиб эрталаб йўлга чиқдик. Раҳматжон қаердандир уста топиб келиб машинамизни юргизиб берди. Хизмат ва уй ҳақи деб унга пул узатсак олмади.

— Шу ерда Раҳматжон деган укам бор деб ўтган-кетганингизда йўқлаб ўтсангиз шунинг ўзи кифоя ака, — деди у биз билан хайрлаша туриб.

— Дунёда яхшилар кўп отаси, — деди аёлим йўлда Раҳматжоннинг илтифотига қойил қолиб.

— Ҳа, — дейман мен, — дунёда яхшилар кўп.

БАҚАТЕРАК КИМГА КЕРАК?

Бу ҳазиломуз сарлавҳамизни ўқиганлар ҳайрон бўлишмасин, гап бу ерда тераknинг керак ёки ноэкилган бақа тераклардан сокин шамолда кўча бўйлаб учиб юрган укпарлар бизни ҳам ўз қуршовига олди. Машина ойналарини беркитиб улгургунимизча улардан бир қанчаси кабинага ёпирилиб кирди. Ҳамроҳларимиздан кимдир акса урди, қайсидир бири бетига ёпишган укпарлардан халос бўлиш учун қўли билан уларни ҳайдаб, баттар тўзғитди. Анча вақтгача шу тахлит йўл босдик. Бақатераклардан холи жойга ўтгач, ҳайдовчимиз, бир четда машинани тўхтатди.

—Уларни чиқариб юбормасак йўл бўйи сизларни безовта қилади, — деди у.

Шунда биз ҳам ўйланиб қолдик. Чиндан ҳам тераклар керак. Бироқ бақатерақларчи? Улар ҳам барча тераклар сингари керакмикан?

ОҚИБАТ КЎТАРИЛМАСИН

Эшик олдида тумонат одам. Шу яқиндан ўтишга ийманиб орқага қайтдик. Ҳамроҳимиз — шу маҳаллада яшовчи кишидан сўрадик.

— Тинчликми, бунча одам кўп?

— Билмадим, — деди у эътиборсиз. Кейин қўшиб қўйди. — Кеча бундан кўп эди. Мен ўзим ҳам ўтолмай орқага қайтгандим.

— Тўй бўляптимикан? — тусмоллаб сўрадик.

— Тўй эмас, аза шекилли. Кеча беш-олти киши эшик олдида бел боғлаб турганига кўзим тушган эди.

Очиғи, ҳамроҳимизнинг бу гапидан энсамиз қотди. Сўраганимизда у ҳатто бу хонадонда ким оламдан ўтганлигини ҳам билмади.

— Ахир бир маҳаллада турсангизу, наҳотки ўзингизга яқин бўлган хонадон бошига тушган мусибатдан бехабар қолсангиз.

— Ўртамизда борди-келди йўқ. Ўтган йили шу қўшни билан бир масала устида айтишиб қолганмиз. Шундан бери юз кўрмасмиз.

Бу гапдан кўнглим баттар зил кетди. Одамлар бор экан, ўртада яхшиёмон гаплар ўтиши табиий. Лекин бир ҳудудда, бир маҳалланинг нари-берисида турсангу, яқин атрофингдаги қўшнингникида қачонлардир ўртада ўтган кўнгилсизликни деб нима воқеа юз бергани билан мутлақо қизиқмасанг, бу қанақаси энди? Шу қадар оқибатсизлик бўладими?

Ўзгалардан сўраб-суриштириб билсак ўша хонадон эгаларининг 30 ёшли ўғли тўсатдан юрак ҳуружидан вафот этган экан. Шу гапни эшитиб ҳайдовчимиз машинани орқага бурди.

— Юринглар кириб фотиҳа ўқиб кетамиз, — деди у бизга. — Эшик тагига келиб кўра-била туриб қайтиб кетсак мусулмончиликка тўғри келмайди, биродарлар.

Ҳаммамиз унинг сўзини қўллаб-қувватладик. Фақат азадор хонадонга ҳаммаҳалла бўлган ҳамроҳимиз машинани тўхтатишни ҳайдовчидан илтимос қилди.

— Нега?

—Мен шу ерда тушиб қоламан. Кирмайман уникига.

Тушунтирдик. Барибир у ўжарлик қилиб қўймади. Ўз айтганидан қолмади. Унинг бу қилмишидан энди ҳаммамиз ранжидик.

Оила даврасида

Воқеий ҳикоя

САДА ҚАЙРАҒОЧ

Тошкент туманидаги собиқ Тўрғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги «Сабзавот» участкасининг шимол томонида бир туп сада қайрағоч бор. У бамисоли экинларга кўз-қулоқ бўлиб тургандай ҳануз узоқ-узоқлардан яққол кўзга ташланиб туради. Бу кўҳна дарахт не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган.

...Тагига тангадек офтоб тушмайдиган, шох-шаббаси қалин, қуюқ баргли ана шу қайрағоч остига уруш йиллари дошқозон осилган эди. Бу жойни ўша пайтларда русчалаб негадир «Общий котёл» деб аташарди. Тагидан тип-тиниқ зилол сув шарқираб оқиб турган ариқ лабига садарайҳон, ошрайҳон, жамбиллар экилган, шунингдек бу ерга супа қурилган бўлиб, рандаланмаган эски тахталардан ясалган қўлбола узун стол қўйилган эди. Қайрағочнинг пастроқ шохига кишиларни тушликка чорловчи занг осилганди.

Биттагина дарахт остига ана шундай файз киритиб, ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек супуриб-сидириб, саранжом-сариштаги нима, дам олиш нималигини билмай, бутун алламларини меҳнатдан олишарди.

Мана, орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтибдики, ўша йилларнинг ўша жафокаш ва меҳнаткаш аёлларини саратонда танни куйдиргувчи офтоб жазирасидан мумкин қадар асраган сада қайрағоч узоқ тарихга тирик гувоҳ сифатида ҳамон кўкка бўй чўзиб кимларнидир кўмсаб тургандай гўё.

Бамисоли «Қайдасиз эй, ўша машъум уруш йилларида бева қолганда ҳам ор-номусини сақлаган, ҳозирги айрим қиз-жувонлардек, ҳаё, иффат нималигини унутиб, покиза танини очиқ савдога қўймаган бокира аёллар, қайдасиз?» деяётгандай гўё.

Худдики «Қайдасиз эй, ҳатто калтароқ кўйлак кийишга ҳам ийманган, эркаклар ўрнига қарсиллатиб кетмон чопган қиз-жувонлар, қайдасиз?» деб сўроқлаётгандай гўё.

Ёхуд «Қайдасиз эй, ҳали очилиб улгурмаган гул ғунчадек лабларга заҳар-заққум сигаретни қистириб олиб, одамларни, атроф-муҳитни заҳарлаётган бўлғуси уй бекаси — келинчакларни кўриш у ёқда турсин, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган зоти тоза, пок фариштадар, қайдасиз?» деб йўқлаётгандай кўҳна сада қайрағоч шудгорнинг қоқ ўртасида ҳамон ўша-ўша, виқор билан узоқ-узоқларга нигоҳ ташлаб савлат тўкиб турибди.

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ

Назм гулшани

АСЛ ЧОҒЛАР СЕНИКИ

Замонинг келганда боғлар сеники,
Бошида қуёш тож тоғлар сеники.
Биллурий мусаффо, нурли осмонинг,
Мавжланиб, жўш урар юрак уммонинг.
Шарафингга шодлик базм қуради.
Хушният пойингга таъзим қилади.
Миннатдор яшайсан тақдирдан қониб,
Юз, кўзинг яйрайди фахрдан ёниб.
Таниш-нотаниша бағринг очасан,
Элингга ҳимматинг, меҳринг сочасан.
Намойиш этиб дил маҳоватингни,
Асло аямайсан саховатингни.
Шону шуҳратингни, бахт-омадингни,
Давримга ярашиқ ҳушқоматингни
Кўзи чиқиб кетар кўролмасларнинг,
Йўқда-йўқ, борида беролмасларнинг...
Қўй, улар шунчаки бадфеъл бахиллар,
Нияти кўкармас, хасис заҳиллар.
Уларнинг қилмиши-кечмиши пучдир,
Ўзлари ҳечдирлар, мақсади ҳечдир.
Сенинг йўлинг бошқа... Илоҳий жавоб:
Умрингни безайди дуою савоб.
Замонинг келганда боғлар сеники,
Асилим, энг асл чоғлар сеники.

ШИФОКОРЛАРГА

Оппоқ либосларда бурчли виждонлар,
Фаришта сиймоли покдил инсонлар,
Халоскор, умрбахш безовта жонлар,
Содиқ шифокорлар, жоним садағa.

Илоҳий руҳлардан дуоси борлар,
Аллоҳдан ҳиммatли шифоси борлар,
Минг-минглаб дардларга давоси борлар,
Табиб-мададкорлар, жоним садағa.

Зиё бахш этгансиз сунук юзларга,
Гавҳари шамчироқ — хира кўзларга,
Жон бергансиз дилда тинган сўзларга,
Халққа вафодорлар, жоним садағa.

Омон сақлаб қолиб омонат жонни,
Қайтадан кўрсатиб ёруғ жаҳонни,
Дилда шарафлаган ҳаёт, инсонни,
Эй мард халоскорлар, жоним садағa.

Қамбар ОТА

ИБРАТЛАР

●Ишонч йўқолган жойда лоқайдлик тухум очади. Лоқайдлик ривожланиш дарахтига тушган қуртдир.

●Болалигинг эшигини ёпма. Ёпган кунингдан бошлаб қарилигинг эшиги очилади.

●Ҳалол одамлар бамисоли шам, ғирром одамлар эса куянинг ўзи экан. Бу ҳақиқатга ишонинг.

●Миллатнинг ёмони бўлмайди, лекин ўша миллат ичида афсуски, ёмонлари бўлади.

●Нафс балосига учраган бошлиқ ўз корхонасини инқирозга яқинлаштиради.

●Бу дунёда битта ҳақиқат бор. Бу—ўлим. Уни илтимосу дўқ билан ёки пора бериб ҳам тўхтатиб ёки кечириб бўлмайди.

●Ҳаёт—бу саҳна. Улуғ ҳам, маъюслик ҳам худди шу саҳнада туғилади, ривожланади.

●Ёзувчи ҳаётни ифодаловчи бўлибгина қолмай, унинг фаол иштирокчиси ҳам бўлиши керак.

●Орзу-умид бу—интилиш, ҳаракатдир. У тугаса ҳаёт ҳам тугайди.

●Кибрли одам ҳаётнинг тонг юлдузи даврида ҳам кеккайишидан тушмайди. Уни ўзгартиришга интилманг, натижаси бўлмайди.

●Бардош тош, ўзи қуёшдек иссиқ инсонларга ўхшанг бахтли бўласиз.

●Баъзи кимсаларни ҳайвонга ўхшатамизу бу билан ўша ҳайвонни ҳақорат қилаётганимизни унутамиз. Уларнинг айби нима?

Тўлқин МУҲИДДИН

Мунажжим башорати

29 АПРЕЛЬ, ШАНБА

БУГУН ЎЙЛАБ, МУШОҲАДА ҚИЛИБ ЎТИРИШ ЎРНИГА ДАДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИНАДИГАН КУН. ЗЕРО, БУГУН ФАОЛЛИК, ТАВАККАЛЧИЛИК ОМАД КЕЛТИРАДИГАН КУН, ЛЕКИН БУ ОМАД ИШГА ОЛИСНИ КЎЗЛАБ, ЖИДДИЙ КИРИШГАНЛАРГАГИНА КУЛИБ БОҚАДИ.

Зеро, эртанги дам олиш куни бекарорлик ва ола-ғовурлик билан ўтади. Ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб, чорасини кўриб қўйишнинг иложи йўқлиги маълум. Мустақил қабул қилган қарорларингиз яқинларингиз ёки ҳамкасбларингизга ўрнак бўлади. Дам олишни эртага қолдириб, бугун одатий кундалик рўзғор ишлари билан ҳам, анча жиддий вазифаларни ҳал этиш билан ҳам машғул бўлинг. Эринчоқлик қилманг, муаммолар ечимининг одатий йўллари бугун иш бермайди.

Бугун асаб тизими хасталикларга мойил бўлади. Шунинг учун яхшилаб дам олиш зарурати ёдингиздан кўтарилмасин.

30 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МУНАЖЖИМЛАР БУГУНГИ КУННИ ФАОЛЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛАДИГАН КУН, ДЕЯ ТАЪРИФЛАШГАН. ҲАР ҚАНДАЙ ТУЖЖОРЛИК ФАОЛИЯТИ, ХАРИДЛАР, САВДО-СОТИҚ, ПУЛ АМАЛИЁТЛАРИ ОМАДЛИ БЎЛАДИ.

Саёҳат ва сафарларга йўл олиш, билим ва тажрибаларни эгаллаш, музокаралар олиб бориш ва ҳужжатларни имзолаш хайрли натижалар беради. Шу куни йога, жанговар санъатлар, жисмоний саломатлигингизни тиклаш билан, умуман спорт билан шуғулланиш фойдали ҳисобланади. Биоэнергетик ва экстрасенс муолажаларини қабул қилиш мумкин.

Асаб тизими ва нафас олиш аъзоларидан ташқари бугун жигар ва ўт пуфаги ҳам заифлашган ҳолатда бўлишини унутманг. Шунинг учун спиртли ичимликлардан эҳтиёт бўлиб, таомда меъёрга риоя қилинг.

1 МАЙ, ДУШАНБА

КУННИ ЁЛҒИЗ ЎТКАЗИШГА МОЙИЛЛИК КУЧЛИ БЎЛАДИГАН КУН. ҲАР ҚАНДАЙ МУЛОҚОТЛАР, ТАНИШУВЛАР, ЖАМОАВИЙ ИШЛАР БУГУН ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН КЕЧАДИ ВА НАТИЖАСИ КУТИЛГАНДЕК БЎЛМАЙДИ.

Кўпроқ вақтингизни уйга, оилангиз ва болаларга, қариндош-уруғларга бағишланг. Кимлар ёрдамга муҳтож бўлса – ўшаларга кўмагингизни аяманг. Рўзғор ишлари, турли егуликлар тайёрлаш учун бугунги кун қулай ҳисобланади. Ўсимликларни парваришлаш, дамлама ва дори-дармонлар тайёрлаш хайрли бўлади. Бирон-бир дайди жонивор уйингизга келиб қолса, уни албатта тўйдиринг.

Бу кеча кўрилган тушлар муҳим аҳамиятга молик бўлади – айнан улар орқали сиз кўпгина ахборотлар ва муаммоларингизга жавоблар олишингиз мумкин. Тушингизни эслаб қолинг – бу сизга келажакда асқотади.

Ҳазми оғир ва ёғлиқ таомлардан узоқроқ бўлинг – улардан ошқозон ва жигарингиз азобланиши мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Узбекистон пойтахтларининг циркларн артистларининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

Марказда жойлашган сув ҳавзасили уйни
ИЖАРАГА ОЛАМАН
Т:127-62-48

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ИИБ томонидан 1999 йили 21 сентябрда Балуашвили Людмила Валерьевна номига берилган СА № 1140736 рақамли паспортни топиб олганлардан мукофот эвазига қайтариб беришлари сўралади.
Тел: 395-60-61

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Собиров Шарофиддин Фозилжонович номига берилган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

ДУШАНБА, 1

«Ўзбекистон»

16.00 Давр.
16.15 Болажон.
16.25 Ёшлар овози.
16.40 Наво.
16.55 Чемпион сирлари.
17.20 «Тақдири азал». Бадиий фильм.
18.25 Замондош.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Театрда учрашамиз.
20.00 Баҳор наволари.
20.10 Ракурс.
20.30 Олов билан юзма-юз.
20.50 Олий лига кундалиги.
21.15 UzEX хабарлари (ўзбек ва инглиз тилларида)
21.35 Ёшлар куйлаганда.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 Интерфутбол.

«Ёшлар»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ёғ босиш хавфи».
9.40 «Камалак» экрани.
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Қишлоқ ҳаёти».
11.40 Ў. Умарбеков. «Фотима ва Зуҳра». Мусиқий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 «Фотима ва Зуҳра» спектакли. 2-қисм.
13.55 Эски альбом.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олтин бешик».
14.50 «Ойдан тушган малика». Бадиий фильм.
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
